

**ҚОРАҚАЛПОҚ ВОКАЛ САНЪАТИНИНГ АСОСЧИСИ БАЗАРБАЙ
НАДИРОВ**

Жақсимуратова Бағдагул

Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали

“Умум касбий ва ижтимоий фанлар кафедраси” ассистент ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10429408>

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақалпоқ миллий халқ ва замонавий академик кўшиқчилик санъатининг моҳир ижрочиси ва тарғиботчиси, кучли ва бой калоритга эга бўлган баритонал овоз соҳиби, ҳурматли устоз, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти, Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори, Республика халқ таълими аълочиси, ёш санъат гунчаларининг севимли мураббийси Базарбой Надиров ҳақида ва у ижро қилган асарлари, шогирдлари бугунги кунда устознинг давомчилари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзи: мусиқа, опера, композитор, вокал, драма, театр, романс, ария, мелодист, педагог, фестивал.

BAZARBAI NADIROV IS THE FOUNDER OF KARAKALPAK VOCAL ART

Abstract. In this article, a skilled performer and promoter of the Karakalpak national folk and modern academic singing art, the owner of a strong and rich baritone voice, a respected teacher, a People's Artist of the Republic of Uzbekistan and Karakalpakstan, a laureate of the state award named after Berdak, an outstanding public educationist of the Republic, young art Bazarboy Nadirov, the favorite coach of his buddies, and his works, his students, who are the successors of the teacher today, are talked about.

Keywords: music, opera, composer, vocal, drama, theater, romance, aria, melodist, pedagogue, festival.

**БАЗАРБАЙ НАДИРОВ – ОСНОВОПОЛОЖНИК КАРАКАЛПАКСКОГО
ВОКАЛЬНОГО ИСКУССТВА.**

Аннотация. В данной статье представлен опытный исполнитель и пропагандист каракалпакского национального народного и современного академического певческого искусства, обладатель сильного и насыщенного баритонального голоса, уважаемый педагог, Народный артист Республики Узбекистан и Каракалпакстана, лауреат премии Речь идет о государственной премии имени Бердака, выдающемся народном педагоге республики, молодом искусстве Базарбое Надирове, любимом тренере его приятелей, и его трудах, его учениках, которые сегодня являются продолжателями учителя.

Ключевые слова: музыка, опера, композитор, вокал, драматургия, театр, романс, ария, мелодист, педагог, фестиваль.

Мустақиллик йилларидан кейин юртимизда маданият соҳасига бўлган эътибор янада кучайди. Мусиқа ва санъат соҳаларида етук ва профессионал даражадаги мутахасисларни етиштириб чиқариш мақсадида кўплаб имкониятлар яратилди. Шу қатори юртимизда Қорақалпоқ маданиятига, Қорақалпоқ мусикасига болган қизиқиш ва эътибор жуда кучли. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев: Қорақалпоқ диёри ўзининг

ўхшаши йўқ, бетакроп санъати билан барчамизни хайратга солиб келади.[4:209-бет]-деб юксак баҳо берганининг ўзи ҳам хар қанча тахсинга сазовор.

опера ва бахшичилик санъатини янада ривожлантириш мақсадида президентимиз ташаббуси билан Нукус шаҳрида 2021-йили Опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Бунга Қорақалпоқ миллий халқ ва замонавий академик кўшиқчилик санъатининг моҳир ижрочиси ва тарғиботчиси, кучли ва бой калоритга эга бўлган баритонал овоз соҳиби, ҳурматли устоз, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти, Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори, Республика халқ таълими аълочиси, ёш санъат гунчаларининг сеvimли мураббийси Базарбой Надиров қорақалпоқ элининг ардоғидаги санъаткорнинг қушган хиссаси катта деб айтсак муолаға бўлмайди. Неча йиллар давомида ўзининг беқиёс санъати билан элга танилиб кўшиқларни қўйлаш баробарида санъатсевар халқимизни рус ва европа композиторларининг мумтоз романс ва операларини саҳналаштириш ва тарғибот қилишда катта хизмат кўрсатди.

Базарбай Надировнинг анъанавий халқ усули ва академик вокал йўналишида тарбиялашдаги педагогик фаолияти, ижрочиликдаги ўзига хос йўли, хилма-хил ва бой репертуари, профессионал театр саҳнасидаги ижролари ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Ўзининг билими, ижро услуби ва маданияти, маҳорати, овоз имкониятларининг бойлиги билан қорақалпоқ ва ўзбек халқининг ҳурматиға сазовор бўлган санъаткор Қорақалпоғистонда ўзига хос мактаб яратган қорақалпоқ маданияти ва санъатини, жумладан миллий халқ ва замонавий академик кўшиқчилик ижросини янги босқичға кўтарган, уларға янги мазмун ва янги жило бағишланган. 1937 йил Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус тумани “Октерак” овулида деҳқон оиласида таваллуд топган.

Ҳаётда ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳаллолиги, изланувчанлиги, санъатға ошуфталиги билан эл ҳурматиға сазовор бўлган. Устоз билан суҳбатлашиш пайтида Ешжан, Жапақ, Шерниёз бахшиларнинг тўй-ҳашамларидаги чиқишлари, “Гўрўғли”, “Ғариб-Шохсанам”, “Алпомиш” каби қаҳрамонлик достонларини маҳорат билан чин дилдан берилиб ифодали, таъсирчан, образға кириб ижро қилишлари, давраға ўтирган турли ёшдаги тингловчиларға маъкул келиши, улар дилидан жой олиб, меҳрини қозониши менда бир умрга ўчмас таъсурот қолдирган деган гапларини менға айтиб берган эди деб ёзади Т.Баяндиёв [1].

“Биринчи маротаба саҳнаға чиққанимда жуда ҳаяжонландим. Бу урушдан кейинги йиллар эди. Ўшанда Жапақ бахши, Шерниёз бахшиларни эсладим, уларнинг маҳорати ва жасоратиға тан бердим. Халқ орасидан чиққан, ҳеч қаерда ўқимаган, маҳсус олийгоҳларда тарбия олиб, кўшиқчиликнинг сиру-асрорларидан сабоқ олмаган, бу беназир санъаткорларнинг қобилияти, овоз ва ижро имкониятларига қойил қолганман” — деб ҳаяжонланиб гапириб берганлари ёдимдан чиқмайди [2]. Мутахассислар фикр ва мулоҳазалари бошқа ёшлар каби Базарбай Надировға ҳам ўқиш, маҳсус билим олиш, катта-катта мутахассислардан сабоқ олиш, улар тажрибасини кунт билан ўрганиш зарурлигини уқтирди. Декада эндиғина катта санъатға кириб келаётган Қорақалпоқ ёшларига, шу жумладан Базарбай Надировға ўқиш ва ўрганиш, маҳсус таълим юртларида билим олиш, соҳа сирларини мукамал эгаллаш, профессионал санъатнинг асосий талабларидан бири эканлигини англади. Устознинг педагогик фаолияти 1969 йилдан бошланади. Шу йили

Тошкент давлат консерваториясининг академик хонандалик факультетини тамомлаб, олий маълумотли мутахассис дипломини олган Базарбай Надилов ҳозирги Нукус Ихтисослаштирилган маданият мактабига ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинади.

Ўттиз икки ёшдаги вокал ўқитувчиси қорақалпоқ санъати учун иқтидорли ёш кадрларга сабоқ беришда академик хонандалик ва қорақалпоқ халқ кўшиқларини ижро қилиш овозни тўғри йўналтира билиш, кўшиқнинг маъносини тўғри тушуниб, уни талқин қилиш сирларини ўргатишда Базарбай Надилов консерваториянинг вокал синфларида олган билимлари, устозларнинг тажрибалари ва маслаҳатларидан фойдаланади. Меҳнатда чиникқан, ҳаёт тажрибасига эга бўлган Б.Надилов шу кунга қадар 100 дан ортиқ шогирдларни тарбиялаб чиқарди. Улар орасидан халқимизга таниқли талант эгалари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон залқ артисти, Ўзбекистон давлат ва Бердақ номидаги мукофотлар лауреати Тамара Дошимова, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик театри артисти Ўзбекистон халқ артисти Базарбай Узақбергенов, Илк шогиридан Давлат Отажонов, Кенесбай Сержанов, Маржан Халмуратова, Ханзада Палўанова, Бийбигаухар Узақбаева, Бектурсин Нызанов, Фарид Узақбергенов, Аймухан Утемуратова, Дарибай Хўжамбергенов, Қорақалпоғистонга хизмат кўрсатган артист Светлана Шыныкулова, Далибай Мамбетмуратов, Абат Қаллиев, Қонис Есемуратов, Гулзар Утегенова, Тамара Мамутова, Бахтияр Қазақбаев, Комил Отажонов, Алтынгул Ажиниязова, Багдагул Жаксимуратова, композитор Нурназар Қаллибеков, Хурлиман Тилеўмуратова, Азизбек Айтжановлар ва бир нечта шогитлари республика маданият масканларида, шу қатори Алмата, Новосибирск опера театрларида Гулсара Тасқынбаева, Раҳат Сарсенбаев, Оринбийке Досанова ва Анна Чехлатовалар устоздан олган таълимларини давом эттириб келмоқдалар[3].

Устозлари қайта-қайта такрорлаган, ёшларни ҳақиқий санъат йўлига йўналтирадиган, уларни кўзлаган мақсад сари етаклайдиган сирни кундалик машғулотларда ўқитишга ҳаракат қилади. Меҳнат унинг парвозини таъминлайдиган куч-қувватдир. Истеъдод табиат томонидан инсонга инъом этилган улуғ мўжизадир. “Агар санъаткор кўшиқчи ўз устида мунтазам ишламаса, машқ қилмаса устозлар маҳоратлари сирларини меҳр ва синчковлик билан ўрганмаса бу ноёб мўжизадан айрилиб қолиши мумкин” [3]. Унинг тутган йўли, дарс бериш усули талабаларидан қаттиққўллик билан ўзлаштиришни талаб қилиши, Республика ва халқаро танловларга ўз шогирдларини пухта тайёрлаши, унинг шогирдларининг катта давраларда, Республика ва халқаро фестивалларда муваффақият билан қатнашишлари совриндор ўринларни эгаллашларига имконият яратади. Унинг мактабида академик вокал санъати, замонавий композиторларнинг ва халқ куйларини маромига етказиб, юксак профессионал даражада ижро қилиш сирларини пухта эгаллаган Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Базарбай Узақбергенов, Маржон Телеумуратова, Давлат Отажонов, Света Шыныкуловалар ҳозирги кунда Республика ёш вокалистлар конкурсининг совриндори, “Ўзбекистон ватаним маним” кўрик-танловининг ғолибларидан бири, Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Алишер Навоий номидаги академик катта опера ва балет театрининг етакчи солистларидан Кенесбай Сержанов ҳам Б.Надиловнинг кўлида академик вокал санъати сирларини пухта эгаллаган халқ, ардоғидаги санъат усталаридан.

Базарбай Надиров кўшиқчилик касбини юксакликка кўтарди. Серкирра, таъсирчан, жозибадор овоз имкониятларини Россия, Украина, Болтиқ бўйи Республикаларининг концерт залларида Қорақалпоқ ва ўзбек кўшиқчилик санъатининг ажойиб намуналари орқали намойиш этди. Б.Надиров ўз репертуарини янги асарлар билан бойитиш мақсадида қорақалпоқ композитори ва бастакори Абдирейим Султанов мусиқасига “Бир жанан”, , Олимжон Халимов, Қудайберган Турдиқулов, Нажмиддин Мухаммединовнинг Ажинияз сўзига “Ярим бар”, Кенесбай Абдуллаевнинг Кунхожа сўзига “Жигирма бесте”, И.Курбанбаевнинг сўзига “Елим бар”, Г.Есемуратов сўзига “Туўған жерге”, А.Абдимуратов сўзига “Бизге кел”, Ғ.Демесинов мусиқасига “Суймеўге болмайди суймейин десем”, С.Палўанов мусиқасига “Келип кет” кўшиқ ва романслари билан ижодий ҳамкорликка алоҳида эътибор берди. Айниқса халқ орасида машхур бўлиб кетган драматург Сапар Хўжаниёзов, композитор Олимжон Ҳалимовнинг “Суймаганга суйкалма” мусиқали комедиясида Ғўдалақ ва Кошкинбай ариялари, Жолмирза Аймирзаев, композиторлар Жапақ Шамуратов ва Олимжон Ҳалимовларнинг “Айгул хем Абат” мусиқали драмасидаги Абат ариялари, Асам Бегимов, Териш Алланазаров ва композитор Олимжон Ҳалимов ва Жапақ Шамуратовларнинг “Ғариб ашиқ” мусиқали драмасидаги Ғариб ариялари, драматург Уйғун, композитор Манас Левиеларнинг “Олтин кўл” мусиқали драмасидаги Турсунали ва Шохисталарнинг ария ва дуэтларнинг концерт дастурларидан ўрин олиши хонандани халқ орасида кенг танитди. Бетакрор овоз соҳиби бўлган хофиз ижросидаги халқ кўшиқларидан “Бозатаў”, “Қарақалпақта”, “Хансаят”, “Гулзар”, “Суйген ярым бар”, “Елларим барды”, “Айсанем”, “Суймейин десем”, “Дарясан” ва бошқалар халқнинг маънавий мулкига айланди, Қорақалпоғистон радиосининг олтин фондидан жой олди.

Санъаткор халқимизнинг яратувчанлиги, кўшиқчилиги, фольклори мутахассислар томонидан бир актёр театри деб тан олинган халқ бахши ва жировлари ижоди, улар яратган анъаналарни кенг диопозонга эга бўлган хофиз ўз ижодининг асосий омилларидан деб билади. Ёш кўшиқчи кадрларга сабоқ бериш, улар имкониятларини ривожлантириб, сайқал беришда ҳам, овоз имкониятларини тарбиялашда ҳам, талаба табиати, маънавияти, иқтидори, интилишларидан келиб чиқиб, уни халқ йўлида куйлашга ёки академик европа вокал йўлида овоз имкониятларини тарбиялашга интилади.

REFERENCES

1. Базарбай Надиров билан бўлган суҳбатдан. 2009 йил. Шахсий архив. Баяндиев Т. Современные проблемы театра (на примере Каракапакского театра). — Ташкент: 2008.
2. Пирназаров А. Режиссура Каракалпакского гостеатра имени К. С. Станиславского. Нукус:Каракалпакстан. 1983.Пожалуйста, не забудьте правильно оформить цитату: Дошанова, Мухаббат. Базарбой Надиров ижодий меросига бир назар / Мухаббат Дошанова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 44 (282). — С. 387-389. — URL: <https://moluch.ru/archive/282/63359/> (дата обращения: 02.07.2023).
3. Абдикамалов А, Давлетмуратова Т. “Бизге кел”. Қарақалпақстан Нукус-2018. Б-44.

4. АБАТБАЕВА, Рано. "КОМПОЗИТОР НАЖИМАДДИН МУХАММЕДДИНОВ ИЖОДИДА ТАРИХИЙ СИЙМОЛАР." *Journal of Culture and Art* 1.1 (2023): 60-66.
5. Абатбаева, Рано Алламбергеновна. "ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МАШХУР БАСТАТОР Н. МУҲАММЕДДИНОВНИНГ ЎРНИ." *Oriental Art and Culture* 3.1 (2022): 648-653.
6. Allambergenovna A. R. THE MANIFESTATION OF EUROPEAN AND NATIONAL TRADITIONS IN THE OPERA " GULAYIM" //International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 185-187.
7. Abatbaeva, R. (2023). BALLAD GENRE BY COMPOSER NAJIMADDIN MUHAMMEDDINOV. *Modern Science and Research*, 2(10), 340–343.
8. Abatbaeva, R. "International Scientific Journal Theoretical & Applied Science manifestation of european and national traditions in the karakalpak ethno-opera «gulayum» SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS http." *T-Science. org* 18 (2022).
9. Abatbaeva, R. (2023). KOMPOZITOR NAJIMADDIN MUXAMMEDDINOV DÓRETIWSHILIGINDE ERTEK JANRÍ (Тоғиз тоңқлдақ бир шиңкилек erteги тйкаринда). *Вестник музыки и искусства*, 1(2), 46–51.
10. Allambergenovna A. R. Historical Image of" Alpamys" In *Karakalpak Music (Example in the Works of Nazhimaddin Muhammeddinov)* //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 138-144.
11. Qoshiyeva J. B. History of Uzbek folk Music //American Journal of Science on Integration and Human Development (2993-2750). – 2023. – Т. 1. – №. 8. – С. 108-110.
12. Jaqsimuratova B. FORMATION OF SINGING SKILLS IN PRIMARY GRADES //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 281-288.
13. Tajimuratova S. FORMATION OF STUDENTS'SKILLS OF INDEPENDENT PERFORMANCE THROUGH THE TEACHING OF ART HISTORY //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 841-849.
14. Saginbaeva T. S. FORMATION OF STUDENTS'SKILLS OF INDEPENDENT PERFORMANCE THROUGH THE TEACHING OF ART HISTORY //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 9. – С. 386-392.
15. Sag'inbaeva T. S. Cultural Life in Uzbekistan during the Years of Independence //Spanish Journal of Innovation and Integrity. – 2023. – Т. 18. – С. 39-41.
16. Tajimuratova S. FORMATION OF STUDENTS'SKILLS OF INDEPENDENT PERFORMANCE THROUGH THE TEACHING OF ART HISTORY //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 841-849.
17. Saginbaeva T. S. Management and study of culture and art. – 2022.
18. Тажимуратова Ш. С. САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. – 2023.
19. Tajimuraova S. S. INFORMATION AND COMMUNICATIONS IN MANAGEMENT //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 509-511.